

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев

Карралы характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида	5
М.Мамажонов, С.М. Мамажонов	
Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида	11
Ж.О.Тахиров	
Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш

Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш	27
О.Қ. Дехқонова	
Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили	33

КИМЁ

О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов

СаA (M-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси	36
БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ	

М.Холиқов, Ё.Аҳмедова

Фарғона водийсидаги күшларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси	41
Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотвоздиев, И.А.Акбаров	
Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ғ.Юлдашев, Г.Сотиболдиева

Суғориладиган кольматажланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши	46
---	----

М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар биогеокимёси	51
---	----

В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов

Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари	57
---	----

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

О.Умаров

Ҳудудларда иқтисодий мустаҳкамлик заҳирасини яратишнинг самараదорлиги	61
---	----

ТАРИХ

З.Й.Эсонов

Фарғона водийси хунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари	63
---	----

А.Абдухалимов

Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари	67
---	----

М.М.Темирова

Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар	70
--	----

Ш.Махмудов

Қўқон хонлигига хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик	74
---	----

А.Юлдашев

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларда акс этиши	77
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов

Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба	80
---	----

З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров

Ижтимоий фикрлар тарихида тафakkur услуги масаласи	84
--	----

Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова

Илмий билиш баҳт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил	87
--	----

СУГОРИЛАДИГАН СУР ТУСЛИ ҚҮНГИР ТУПРОҚЛАР БИОГЕОКИМЁСИ

БИОГЕОХИМИЯ ОРОШАЕМЫХ СЕРО-БУРЫХ ПОЧВ

BIOGEOCHEMISTRY OF IRRIGATED GRAY-BROWN SOILS

М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов

Аннотация

Мақолада турли даражада маданийлашган сугориладиган сур тусли қүнгир тупроқларнинг биогеокимёвий хоссалари ва оддий пиёз (*Allium cepa L.*) нинг элемент таркиби келтирилган. Пиёзниң таркиби тупроқ таркибидаги кимёвий элементлар миқдори билан бөглиқлиги асосланган.

Аннотация

В статье представлены биогеохимические свойства орошаемых оккультуренных серо-бурых почв и элементный состав репчатого лука (*Allium cepa L.*). Обоснована зависимость состава лука от уровня содержания химических элементов в почве.

Annotation

In article substantiates the biogeochemical properties of irrigated cultivated gray-brown soils. Are given elemental composition of onions (*Allium cepa L.*), as well as the relationship of the elemental composition of soils and onions.

Таянч сүз ва иборалар: сур тусли қүнгир тупроқ, морфогенетик, оддий пиёз (*Allium cepa L.*), макро- ва микроэлемент, Кларк концентрация, биологик синдириши коэффициенти.

Ключевые слова и выражения: серо-бурые почвы, морфогенетический, лук репчатый (*Allium cepa L.*), макро- и микроэлемент, Кларк концентрация, коэффициент биологического поглощения.

Keywords and expressions: gray-brown soils, morphogenetic, onion (*Allium cepa L.*), macro- and microelement, Clark concentration, coefficient of biological absorption.

Кириш. Бугунги кунда республикамиз вилоятларида сур тусли қүнгир тупроқлар майдони 24,3% ни ташкил этган бўлиб, кимёвий, биогеокимёвий ҳолатини баҳолаш, антропоген омиллар таъсирида ўзгариши ва ривожланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда улардан самарали фойдаланиш ҳамда юқори маҳсулдорликка эга бўлган сабзавот, хусусан, 4 минг йиллик тарихга эга бўлган пиёз экинини етиштиришнинг замонавий инновацион илмий ечимларини ишлаб чиқишина тақозо этмоқда [1; 2,400-415].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2640-сонли қарори, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли ва 2018 йил 18 октябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташки бозорга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-366-сонли қарори ҳамда мазкур фаoliyатга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда [8] келтирилган вазифаларни амалга оширишда сугориладиган сур тусли қүнгир тупроқларни биогеокимёвий нуқтаи

назардан тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тупроқларнинг биогеокимёвий хоссаларини чуқур таҳлил қилиш, антропоген омилни ландшафт блокларига, сугориладиган тупроқларга таъсири, улардаги кимёвий элементларнинг миграцияси, аккумуляцияси ва фон миқдорларига боғлиқлиги ҳамда ҳосил таркибига таъсири муҳим ҳисобланади [3,352].

Кимёвий элементлар биогеокимёси кўпчилик сабзавот экинлари хосса ва хусусиятларига таъсири чуқур тадқиқ этилмаган бўлиб, бир қатор геокимёвий омилларга, тоғ жинсларининг ётиш тартиби, кимёвий таркиби, тупроқларнинг кимёвий, физикавий ва бошқа хоссалари, хусусан, сур тусли қүнгир тупроқлари ва думалоқ пиёзда макро- ва микроэлементларнинг таркиби, миқдори ва нисбати суғориш таъсирида турли ўзгаришларга учрайди. Ўсимлик ва тупроқ ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш тупроқ биогеокимёсинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланаб, элемент таркиби ва миқдорини аниқлаш, бошқаришга қаратилган ишлар бугунги кунда тадқиқотга муҳтоҷ.

Ҳозирги кунга қадар Фарғона водийсида шаклланган сугориладиган сур тусли қүнгир тупроқларнинг биогеокимёвий хосса ва

М.Т.Исағалиев – Фарғонада, биология фанлари доктори, доцент.
З.Ж.Исомиддинов – Фарғонада, мустақил тадқиқотчи.

хусусиятлари ҳамда сабзавот экинлари, макро-ва микроэлементлар миқдори, миграцияси, аккумуляцияси ва элемент хоссаларига боғлиқ геокимёвий хусусиятлари, элементларнинг ўзаро корреляцияси борасида тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган.

Тадқиқот обьекти ва усуллари. Фарғона вилояти пролювиал ва аллювиал жинслар устида шаклланган суфориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳамда Манас-F1 пиёз нави тадқиқот обьекти ҳисобланади.

Тупроқда сабзавот экинлари ўзлаштира оладиган озуқа элементларидан азот, фосфорнинг бўлиши пиёз экинларини бутун вегетация даврида нормал ўсиб ривожланишини таъминлайди. Фарғона вилоятининг Бағдод тумани “Бу Ойиша” фермер хўжалигида сур тусли қўнғир тупроқларининг хусусиятлари ва улардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва тупроқларидан кесмалар олишда В.В.Докучаевнинг кесма ва морфогенетик усулларидан фойдаланилди.

Тупроқларнинг кимёвий, физикавий таҳлиллари “Агрокимёвий, агрофизикавий ва микробиологик тадқиқот усуллари” ҳамда “Руководство по химическому анализу почв” қўлланмаларининг ёзувлари асосида бажарилди. Тупроқ ва пиёз таркибидаги кимёвий элементлар таҳлили “Эмиссион ярим-миқдорий спектрал таҳлил” усулида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари. Сур тусли қўнғир тупроқлар тош-шағалли аралашмали, кучсиз гипслашган, корбонатли тупроқлар бўлиб, биз тадқиқотлар олиб борган “Бу Ойиша” фермер хўжалигида янгидан суфориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар суфоришга яқин йилларда тортилганига қарамасдан, уларда ҳайдов қатлами тўлиқ шаклланган. Бу тупроқларнинг ҳайдалма қатламида катта миқдорда ва турли ҳажмдаги тош-шағаллар учрайди, енгил қумоқли, кам ҳолларда ўрта қумоқлардан ташкил топган.

Суфориладиган сур тусли қўнғир тупроқларда боғдорчилик билан бирга сабзавот экинлари етиштириб келинмоқда. Сур тусли қўнғир тупроқларнинг унумдорлиги сабзавот экинларининг бутун вегетация даври давомида сув ва озиқ моддалари билан таъминлай олиш қобилиятини аниқлаш имконини беради. Унумдорлик тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, иклим, рельеф, ўсимлик қоплами ва антропоген омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тупроқ таркибидаги гумус ва озиқ моддалар миқдори, ўсимликлар учун қулай шароит яратигина қолмай, уларни

аниқлаш ва ошириш, сув, ҳаво ва иссиқлик тартиботларининг ўзгаришида муҳим ўрин тутади.

Сур тусли қўнғир тупроқлардан фойдаланиш ер унумдорлигини ошириш, сақлаш аниқланган кимёвий элементларнинг фон миқдоридан тупроқ-агрокимёвий, тупроқ-мелиоратив ва экологик мониторинг каби ишлар ижросида, хусусан, геокимёвий барьерлар ва провинциялар дастлабки мониторинги бўлиши, тупроқ-геокимёвий тадқиқотлар ва геокимёвий провинциялар сабзавот экинларини, жумладан, пиёз етиштиришнинг оптималь агротехнологияларини ишлаб чиқаришда фойдаланишни талаб этмоқда.

Сабзавот экилган майдонлардан тўлиқ ва соғлом кўчат олиш, юқори ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири тупроқ унумдорлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан сур тусли қўнғир тупроқларнинг унумдорлигини, хусусан, биогеокимёвий хусусиятлари, озуқа элементлар миқдорини аниқлаш мақсадида дала шароитида 0-26, 26-41, 41-56, 56-78 см генетик қатламлари ажратилиб, намуналар конверт усулида олинди. Боғдорчилик ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ер майдонида 11 гектар пиёз етиштириладиган майдон мавжуд бўлиб, бу ер 2002 йилда ўзлаштирилган, янгидан ўзлаштирилган сур тусли қўнғир тупроқлар ҳисобланади.

Бу тупроқлар Сўх дарёсининг қадимги конус ёйилмасида шаклланган, шимол томон нишабликка эга, рельефи кучсиз тўлқинсимон, скелетлашган, йирик ўлчамли тошларни ер устида учраши билан характерланади. Бу тупроқлар оч тусли бўз тупроқлардан ранги, чимли қатламининг кичикилиги билан, қатқалоқ, қатқалоқ ости қатламли, тангасимон қатлам ва сур тусли қўнғир тупроқларга хос бўлган бошқа белгиларнинг мавжудлиги билан тавсифланади [4,74-78; 5,298].

Таъкидланганидек, ўрта ва енгил қумоқли гранулометрик таркибга эга. Қуруқ қолдиқ ва хлор миқдорига кўра шўрланмаган. Ўртача маданийлашган. 10.04.2019 йил куни суфориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг морфогенетик белгиларини ўрганиш мақсадида кесма олинди ва таҳлил учун тупроқ ва пиёз намуналари олинниб, таҳлиллар куйидаги натижаларни берди.

0-26 см. Оч бўз ранг, устки 4-5 см дан кейин сур тусли товланади, юзаси қуруқ, қуийга томон кучсиз нам, енгил қумоқли, кучсиз зичлашган, майда кесакчали структурага эга, ўсимлик илдизлари ва ер ости ҳашаротлари

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

излари ва тош-шағаллар учрайди, кейинги қатламга ўтиш зичлигига ва намлигига кўра.

26-41 см. Оч бўз, сур тусли қўнғир рангда, кучсиз нам, енгил қумоқли, майда кесакчали, ўртача зичлашган, ўсимликларнинг илдизлари ва тупроқда ҳашаротларнинг излари учрайди, майда ва йирик тошчалар, карбонат доғлари мавжуд, кейинги қатламга ўтиш рангига ва скелетлигига кўра аста-секинлик билан.

41-56 см. Сур қўнғир рангли, зичлашган, темир ва марганец оксидларининг доғлари бор, қумлоқли, юқориги қатламга нисбатан намроқ, майда чангимон ва кум аралашган, тош-шағаллиги ортиб боради, гипс яралмалар учрайди, кейинги қатламга ўтиш рангига ва механик таркибига кўра.

56-78 см. Қўнғир сур тусли, сернам, ўрта қумоқли, зичлашган, илдиз ва майда

ҳашаротлар излари кам учрайди, устунсимон гипс ва кўзча ҳамда доғ шаклида карбонатлар учрайди, қўйи томон чўнтаксимон ва устунсимон кўринишда чегараланади, остидан йирик ва майда тошлар кўп бўлган тош-шағалли С қатлам бошланади. Тошлар остидан карбонатлар ва сувда эрувчи тузлар аккумуляцияланган.

Юқоридаги морфологик белгилари ва кимёвий таҳлил натижаларига кўра, чўл минтақаси сур тусли қўнғир тупроқларининг гумус ва озуқа элементлар миқдори 1-жадвалда келтирилди.

Бу тупроқлар кесмасида гумус миқдори 0,20-0,79% атрофида тебранади. Ялпи азот миқдори эса 0,016-0,079% ни ташкил этади.

1-жадвал.

Сур тусли қўнғир тупроқларнинг агрокимёвий тавсифи

Кесма №	Чуқурлиги, см	Гумус, %	Ялпи, %			C:N	Ҳаракатчан, мг/кг P ₂ O ₅	К
			N	P ₂ O ₅	K			
4	0-26	0,791	0,079	0,103	1,78	6,79	14,47	168,5
	26-41	0,631	0,062	0,117	1,93	6,91	10,25	153,6
	41-56	0,254	0,030	0,076	1,69	5,75	6,21	109,3
	56-78	0,190	0,016	0,063	0,94	8,06	-	-

Тупроқшуносликда жуфтликлар нисбати кенг қўлланиб келинмоқда, жумладан, C:H, C:N, C:O, SiO₂:Al₂O₃, SiO₂:Fe₂O₃. Бунда C:H нисбати орқали тупроқ органик моддаси тузилиши типи тўғрисида хулоса қилиш имконини берса, C:N нисбати гумусни азотга тўйинганлигини характерлайди ва гумус ҳосил бўлишининг ўзига хос баъзи хусусиятларини муҳокама қилиш имконини беради [6,558].

Бу нуқтаи назардан биз тадқиқотлар олиб борган сур тусли қўнғир тупроқларда C:N бўлган нисбати таснифга кўра юқори бўлиб, 56-78 см ли қатламда бу кўрсаткич ўртачага тушади.

Умумий фосфор ва калий миқдори ҳам генетик қатламлар мос равишда 0,063-0,117 ва

0,94-1,93% оралиғида ўзгариб, юқори кўрсаткич ҳайдов остига тўғри келади. Бу жараён солинган минерал ўғитлар ва сугориш таъсирида остиқ қатлам томон ювилиши ва қисман аккумуляцияси билан изоҳланади. Ҳаракатчан озуқа элементлар бўйича бу тупроқлар фосфор миқдорига кўра жуда паст ва калий бўйича паст даражада таъминланган гурухга киради.

Морфогенетик, агрокимёвий ва кимёвий таҳлиллар ўрганилган сур тусли қўнғир тупроқларни биогеокимёвий тадқиқ қилишда муҳим аҳамиятга эга.

2-жадвал.

Сур тусли қўнғир тупроқларнинг Кларк концентрацияси (КК)

№	Элемент номи ва символи	Тупроқ кларки Виноградов бўйича [3]	Генетик қатлам чуқурлиги, см			
			0-26	26-41	41-56	56-78
1	Кремний, Si	33	0,91	0,91	0,91	0,91
2	Алюминий, Al	7	0,86	0,57	0,86	0,71
3	Кальций, Ca	1,5	4,0	4,0	3,33	3,33
4	Натрий, Na	0,6	5,0	3,33	3,33	5,00
5	Темир, Fe	4	0,50	0,50	0,50	1,25
6	Магний, Mg	0,6	1,67	1,67	1,67	1,67

7	Барий, Ba	0,05	0,40	0,20	0,60	0,60
8	Стронций, Sr	0,03	0,07	0,03		0,03
9	Марганец, Mn	0,085	0,24	0,35	0,24	0,35
10	Ванадий, V	0,01	0,20	0,20	0,20	0,20
11	Титан, Ti	0,46	0,17	0,13	0,11	0,09
12	Хром, Cr	0,02	0,15	0,20	0,25	0,25
13	Мис, Cu	0,002	1,50	2,0	2,50	3,0
14	Күрғошин, Pb	0,0016*	2,50	-	1,19	1,31
15	Никель, Ni	0,004	0,75	1,0	1,0	0,75
16	Кобальт, Co	0,0008	2,50	3,75	-	2,50
17	Бериллий, Be	0,0006	5,0	1,67	1,67	1,0
18	Литий, Li	0,003	0,33	0,33	-	0,33
19	Рух, Zn	0,005	0,40	0,20	0,20	0,40

* - литосфера кларки

Сабзавот экинлари учун тупроқдаги озиқ элементлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, тупроқдаги зарур озиқ элементлардан бирортаси етишмаса, сабзавот экинлари нормал ўсиб ривожланмаслиги ва ҳосил сифатининг паст бўлиши ҳозирда барчага маълум. Бундан ташқари, бошқа кимёвий элементларни ҳам ўрганишни тақозо этмоқда. Бунинг учун эса, албатта, тупроқнинг элемент таҳлилини ўтказишдан ташқари ўрганилаётган ўсимликни ҳам таҳлил қилиш зарурлиги ва шу асосда элементларнинг биогеокимёсини таҳлил қилиш мумкин эканлиги кўзга ташланади.

Сур тусли қўнғир тупроқлар таркибидаги кимёвий элементлар турли бирикмалар ҳолида бўлиб, улардаги минерал ва органик моддалар таркиби билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Қуйида тупроқдаги айрим макроэлемент бирикмалари ва уларнинг сабзавот экинлари ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қисқача тұхталиб ўтамиш.

Кремний (Si). Сур тусли қўнғир тупроқларда кўп тарқалган элементлардан бири ҳисобланади. Кремний бирламчи ва иккиламчи силикатлар, ферросиликатлар, алюмосиликатлар таркибида киради. Кремний сабзавот экинлари ҳаётида, жумладан, улар поясининг пишиқ бўлишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Кремний сабзавот экинлари поясида кўп тұпланади ва шамол эсгандан, ёмғир ёққанда илдизпоя, баргларининг әгилиб оғмаслиги учун уларга мустаҳкамлик беради.

Алюминий (Al). Сур тусли қўнғир тупроқларда алюминий бирламчи ва иккиламчи минералларнинг таркибида, органик-минерал комплекс шаклида ва сингдирилган ҳолатда

бўлади. Алюминийнинг пиёз экинлари ҳаётидаги роли, азотли бирикмаси пиёз ўсимлигининг қурғоқчиликка чидамлилигини оширади.

Кальций (Ca). Тупроқ структурасининг шаклланишида иштирок этиб, физикавий, физик-механик ва биологик хоссаларини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Сур тусли қўнғир тупроқларда кальций пиёз экинларига атмосферадаги азот фиксациясида ва органик моддаларнинг минераллашиб, турли озиқ моддалар тұпланиши, оқсил моддалар синтезида иштирок этади.

Магний (Mg). Магний хлорофиллнинг таркибий кисмига кириб, оксидланиш қайтарилиш жараёнларида қатнашади ва пиёз экинининг нафас олишини яхшилайди. Пиёзнинг баргыда унинг мөкдори максимумга етади.

Темир (Fe). Сур тусли қўнғир тупроқларнинг таркибидаги темир мөкдори юза қатламда ўртача 2 фоиз атрофида бўлиб, бирламчи ва иккиламчи силикатли минераллар, шунингдек, темир оксиidi, гидрооксиidi ва оддий тузлар таркибида киради. Темир сабзавот экинлари ҳаётида катта аҳамиятга эга ва унинг иштирокисиз фотосинтез сусайиб, хлорофилл ҳосил бўлмайди. Нейтрал ва ишқорлы тупроқлардаги яхши оксидланиш туралыған шароитда ўсимликларда темир етишмаслиги сезилади ва хлороз билан касалланади.

Микроэлементлар сабзавот экинлари таркибидаги жуда оз мөкдорда бўлса-да, зарур бўлган мис, рух, кобальт сингари кимёвий элементларга мисол келтириш мумкин. Тупроқ таркибидаги микроэлементларнинг етарли

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

бўлмаслиги сабзавот экинларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда ҳосилнинг сифати ва миқдорига салбий таъсир кўрсатади.

Тупроқдаги микроэлементлар миқдори она жинсларининг кимёвий таркибига боғлиқ бўлиб, органик моддалар ҳисобига тупроқнинг чириндили қатламида купроқ тўпланади. Шу ўринда сабзавот экинлари учун зарур ва яхши ўрганилган микроэлементларнинг бир нечтаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш.

Мис (Cu). Сур тусли қўнғир тупроқларда органик ва минерал бирикмалар ҳолатида бўлиб, тупроқ минераллари таркибида ҳам учрайди. Кислотали тупроқларда мис эрувчан шаклда бўлиб, аммо нейтрал ва ишқорий реакцияли тупроқларда эса мис ўсимликлар учун унча етарли даражада бўлмайди.

Бағдод туманининг “Бу Ойиша” фермер хўжалигига суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг чириндили юза қатлами 0-26 см да миснинг миқдори ўртача (0,003%). Е.К.Круглованинг маълумотига кўра [7,252] Мирзачўлдаги экин экилмаган оч тусли бўз тупроқларнинг чириндили қатламида эса 0,002%, суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг юқори қаватида (0,0028%), типик бўз тупроқда 0,0031%, суғориладиган типик бўз тупроқларда 0,0048%, ўтлоқ тупроқларда эса 0,0031-0,0040% ни ташкил этади, бу миқдор жиҳатидан сур тусли қўнғир тупроқлар типик бўз тупроқларга яқин туради.

Мис оксидланиш ва қайтарилиш жараёнларини юзага келтирадиган ферментлар таркибига кириб, углеводлар ва оқсилларнинг алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади ва пиёзнинг турли касалликларга, жумладан, уларнинг замбуруғли касалликларга чидамлилигини оширади.

Кобальт (Co). Тупроқдаги турли алюмосиликатлар таркибида ва коллоид заррачаларга сингдирилган ҳамда турли органо-минерал бирикма ҳолида бўлади. Тўқ тусли бўз тупроқларда унинг миқдори кўпроқдир. Тадқиқот натижаларига кўра, суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларнинг 0-26 см қатламида 0.002% ни ташкил қиласди. Пиёз ҳосилининг шаклланишида, оксидланиш ва қайтарилиш жараёнда қатнашади.

Марганец (Mn). Фаргона водийсининг суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқларининг юза унумдор қатламида 0.02%. Марганец сабзавот экинларининг поясидаги ферментлар ва фотосинтез фаоллигини кучайтиради ҳамда оқсиллар пайдо бўлишида муҳим вазифани, яъни катализаторлик вазифасини бажаради.

Пиёз экинларининг нормал ўсиши ва мўл ҳосил бериши тупроқ таркибидаги озиқ моддаларининг миқдори ва пиёз томонидан ўзлаштириши ҳамда навларининг турига, тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ ҳисобланади.

Пиёз экини томонидан тупроқдаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши натижасида тупроқдаги минерал моддалар миқдори ўз-ўзидан камайиб боради. Шуларни ҳисобга олган ҳолда лабораториядан ушбу фермер хўжалигига этиштирилаётган пиёз навларининг кимёвий анализини ўтказдик.

Юқоридаги усул орқали баҳорги пиёзнинг макро- ва микроэлементлари ҳам таҳлил қилинди. Бунда фермер хўжалигига пиёз намуналари 2019 йил 2 апрель куни олинган бўлиб, хона шароитида, салқин, қуруқ жойда куритилиб, лаборатория шароитида пуфел печида 3 соат давомида куйдирилиб, пиёзнинг кул таркиби ажратилиб, макро ва микроэлементлари аниқланиб, биологик сингдириш коэффициенти ишлаб чиқилди.

3-жадвал.

Манас-F1 пиёзининг биологик сингдириш коэффициенти ($A_x, n=4$)

T/p	Элемент номи ва символи	Генетик қатлам чуқурлиги, см			
		0-26	26-41	41-56	56-78
1	Кремний, Si	0,1	0,1	0,1	0,1
2	Алюминий, Al	0,3	0,5	0,3	0,4
3	Кальций, Ca	5,0	5,0	6,0	6,0
4	Натрий, Na	2,0	3,0	3,0	2,0
5	Калий, K	1,1	1,0	1,2	2,1
6	Темир, Fe	0,15	0,15	0,15	0,06
7	Магний, Mg	4,0	4,0	4,0	4,0
8	Фосфор, P	58,3	51,3	78,9	95,2
9	Барий, Ba	10,0	20,0	6,7	6,7

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

10	Титан, Ti	0,1	0,1	0,1	0,1
11	Хром, Cr	1000	750	600	600
12	Кумуш, Ag	0,0063	0,0063	0,0063	0,0063
13	Мис, Cu	16,7	12,5	10,0	8,3
14	Құрғошин, Pb	1,3	-	2,6	2,4
15	Маргимуш, As	0,0002	0,0002	0,0002	0,0002
16	Никель, Ni	0,67	0,50	0,50	0,67
17	Молибден, Mo	0,0015	0,0015	0,0015	0,0015

Пиёз әкини кули таркибидаги мавжуд барча макро- ва микроэлементлар ўсимлик ҳаётида мұхым аҳамиятга эга ҳисобланади. Бұ жиҳатдан күл таркибидаги кальций, кремний, калий, фосфор, магний, натрий, темир ва бошқа элементлар миқдорига күра пиёз әкинининг меңгеріда ўсиб ривожланиши учун зарурий макроэлементлар қаторидан жой олади. Уларнинг миқдори пиёз кули миқдорининг 53,5% фоизини ташкил қылади.

Маргимуш, никель, молибден, мис, құрғошин, кумуш каби элементлар пиёз таркибида анча кам (10^{-3} - 10^{-6} %) миқорда учрашига қарамасдан, пиёз әкини танасида содир бүләдиган асосий биокимёвий ва физиологик жараёнлар учун мұхым аҳамиятга эга. Юқорида көлтирилган жадвал маълумотларига қараганда, элементлар

миқдорига пиёз әкини әкилгән жойнинг тупроқ- иқлим шароити, құлпанилған агротехник тадбирлар таъсир күрсатади.

Хулоса. Суғориладиган сур тусли құнғир тупроқлар унумдорлиги пастлиги, яғни күчсиз гумуслашғанлиғи, озуқа элементларға нисбатан камбағаллиғи, морфологиясида тошшағалларнинг құплиғи, темир оксидига қуйи қатламларнинг бойлиғи ва кремний, натрий, темир, кальций, магний, кобальт каби элементларнинг кларк миқорларининг юқорилиғи билан бошқалардан ажралиб туради.

Пиёз томонидан элементларнинг сингдириши, яғни биологик сингдириш коэффициенти ўрганилған қатор элементларда куйидагича тавсифланади:

Cr>P>Cu>Ba>Ca>Mg>Na ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Кузиев Р.К., Секстименко В.Е., Исманов А.Ж. Почвенная карта Республики Узбекистан. Госкомземгеодезкастар. – Т., 2008.
2. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхұжаев О.Қ. Сабзавотчилик. – Т., 2009.
3. Yuldashev G', Isag'aliev M. Turgoq biogeokimyosi. – Т., 2014.
4. Исмонов А.Ж. Фарғона водийси суғориладиган оч тусли бўз, сур тусли құнғир тупроқлари ва уларнинг унумдорлиги. ЎзФА маърузалари. – Т., 2016, №3.
5. Қўзиев Р.Қ. ва бошқалар. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиғи. – Т., 2017.
6. Орлов Д.С., Садовникова Л.К., Суханова Н.И. Химия почв. – М., 2005.
7. Круглова Е.К., Алиева М.М. и др. Микроэлементы в орошаемых почвах Узбекской ССР и применение микроудобрений. – Т.: Фан, 1984.
8. http://lex.uz/search/all?form_id=3972

(Тақризчи: F.Юлдашев – қишлоқ ҳұжалиғи фанлари доктори, профессор).